

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

Ш.А.Сулейманова

Таянч докторант, ТДТУ, Тошкент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7700497>

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўқимачилик корхоналарнинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш саноат корхоналарининг барқарор ривожланишининг ҳал қилувчи омилидир. “Инновацион салоҳият” атамаси методологик, назарий ва эмпирик тадқиқотлар жараёнида вужудга келган ва ўтган асрнинг 1980 йилларидан бошлаб такомиллашиб борган. “Инновацион салоҳият” атамасининг таърифини иқтисодчи олимлар турлича таърифлашган, яъни айнан бир маънони ифодаладиган таърифи мавжуд эмас. Қуйида биз тадқиқотларимиз асосида турли иқтисодчи олимларнинг фикрларини ўрганиб чиқдик. Унга кўра бир неча олимлар инновацион салоҳиятни кадрлар, моддий-техника, инновацияларни амалга ошириш учун мўлжалланган тегишли инфратузилма томонидан хизмат кўрсатадиган ахборот ва молиявий ресурслар деб тушунишади¹. Яна бошқа бир гуруҳ олимлар томонидан шундай тўхтамга келинган, яъни “Корхонанинг мақсадига эришиши учун қўлланиладиган барча турдаги ресурслар йиғиндисидир”². Миллий адабиётларда эса қуйидагича таъриф берилган: “Мамлакатнинг техника ва технологияси янгиланишини, унда илмий-техника ривожланиши даражасини, диверсификация сиёсатининг кучайишини англатади”³. Олиб борилган тадқиқотлар асосида фикримизча “Инновацион салоҳият бу корхонанинг иқтисодий, молиявий, кадр ва ижтимоий ресурсларининг ўзаро бирлашган ҳолда ишлаб чиқаришга ва фойда олишга йўналтирилгандир”. Юқоридаги таърифларни бирлаштирган ҳолда инновацион салоҳиятни куч, қудрат деб тушуниш мумкин.

“Инновацион салоҳият”ни мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган талабни қондириш мақсадида мавжуд тизимни янгилай олиш қобилияти деб баҳоласак бўлади. Бунда корхонанинг инновацион салоҳиятни самарали ишлатган ҳолда яширин имкониятлари рўёбга чиқиб, анъанавий йўналиш янгиланган йўналишга ўтиб боради. Демак, инновацион салоҳият бу тизимнинг ўзига хос ўзгариши, янгиланиши, ривожланишидир. Корхонанинг инновацион салоҳияти даражасини аниқловчи бир неча кўрсаткичлар мавжуд. Бу кўрсаткичлар қиёсий бўлиб, турли корхоналарнинг салоҳияти даражасида акс этган. Бизнинг фикримизча, инновацион салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар қуйидаги ҳолатларни ифодалайди:

- корхонанинг инновацион салоҳияти ҳолати ва даражаси;
- ишлаб чиқариш ҳолати (умуман олганда: пайдо бўлиш-юксалиш-тушиш-кризис);

¹ Г.А.Краюхин, Л.Ф.Шабайкова. «Закономерности и тенденции инновационными процессами». СПб.: СПбГИЭА, 1995.

² Управление инновациями в организации : учеб. пособие по специальности «Менеджмент организации» / А. А. Бовин, Л. Е. Чередникова, В. А. Якимович. 3-е изд., стер. — М.: Издательство «Омега-Л», 2009. 207-бет

³ И. Хотамов, Ш. Мустафакулов, М. Исаков, А. Абдувалиев. Корхона иқтисодиёти ва инновацияларни бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2019 й., 334 б

- корхонанинг инновацион салоҳиятининг давлат томонидан бошқаруви ҳолати.

Ҳар бир корхонанинг инновацион салоҳияти индивидуал ҳисобланиб, фаолиятининг ўзига хослиги ва ишлаб чиқариш кўламига боғлиқдир.

Корхонанинг инновацион салоҳиятини баҳолаш усули ишлаб чиқаришга тегишли бўлган барча соҳалар, яъни илмий-тадқиқот бўлимлари ва ишлаб чиқариш сектори, маркетинг, молиявий фаолият ва бошқа бўғинлар томонидан бевосита баҳолаш амалга оширилади. Баҳолаш кўрсаткичлари қуйидаги блокларга бўлинади:

- маҳсулот блоки;
- функционал блоки;
- ресурс блоки;
- бошқарув блоки;
- ташкилий блоки.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичи маҳсулот блоки тавсифи бўлиб, унда корхона йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши, техник параметрларининг яхшиланиши, халқаро стандартларга жавоб бера олиши ва шунга ўхшаш кўрсаткичлар аниқланади. Функционал блокда маркетинг ва ишлаб чиқаришнинг инновацион имкониятлари самарадорлиги баҳоланади. Ресурс блокида янгиликни яратиш ёки жорий этиш учун жалб қилинадиган ресурслар таҳлили олиб борилади. Бошқарув блокида инновацияни яратиш ва жорий этиш жараёнига масъул бўлган барча бошқарув бўғинлари фаолияти самарадорлиги аниқланади.

Корхонанинг инновацион салоҳиятини баҳолаш иқтисодий кўрсаткичлар асосида унинг инновацион соҳадаги замонавий ички имкониятларини аниқлашдан бошланади. Корхонанинг инновацион фаолиятини самарали бошқариш учун корхонанинг инновацион салоҳияти даражаси ҳамда ривожланиш динамикаси реал баҳоланиши зарур. Шу билан бирга бу кўрсаткичлар корхонанинг инвестицион жозибадорлигини баҳолашда муҳим омиллардан бири деб ҳисобланади. Ташкилий блокда ташкилот тизимининг инновацион мақсади билан мослиги аниқланади.

Инновацион салоҳият кўрсаткичларининг баҳоланиши қуйидаги вазифаларни бажаришга имкон беради:

- корхонанинг инновацион ўзгаришларга тайёрлигини реал баҳолаш;
- корхонанинг устунлик ва заифлик томонларини аниқлаш;
- ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва башоратлаш;
- корхонанинг инновацион стратегиясини шакллантириш бўйича

маълумотларга эга бўлиш;

- самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида тўпланган ахборотлардан унумли фойдаланиш⁴.

Корхонанинг инновацион салоҳиятининг ривожланишга таъсир этувчи омилларни ўрганишда уларнинг таъсирининг доимийлиги, даврийлиги ва бошқа таснифлаш хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак:

- корхонанинг инновацион фаолиятига сифат ва миқдор омилларининг таъсирини таҳлили;

⁴ Vertakova V., Simonenko E. Innovation Management: Theory and Practice. – [M: Eksmo], 2008. 231-6.

- корхонанинг инновацион фаолиятига индивидуал ва гуруҳ омилларининг таъсирининг таҳлили;
- таҳлил қилинган омилларнинг ижобий таъсиридан фойдаланиш ва салбий таъсирини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Корхонанинг инновацион салоҳиятини баҳолашда унга ички ва ташқи таъсирга эга бўлган омилларни ҳам таҳлил қилиш керак:

- ташқи омиллар. Улар: давлат, рақобатчи корхоналар, ҳамкорлар, таъминотчилар, халқаро ташкилотлар ва иқтисодий-сиёсий муҳит корхонага ташқи таъсирини ўтказди.

- ички омиллар. Улар корхонанинг хомашё ресурслари, молиявий ресурслари, кадрлари, ИТТК ишланмалари, техник базаси ва б. бўлиши мумкин.

Корхонанинг инновацион салоҳиятини ошириш учун ушбу омилларни барчасини эътиборга олиш зарурдир. Ташқи муҳитни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва инновацион салоҳият даражасини баҳолаш асосида корхонанинг инновацион стратегияси ишлаб чиқилади⁵. Инновацион фаолиятнинг самарадорлигини баҳолаш бир қанча методик тамойилларни аниқлаш имконини беради ва улар асосида самарадорлик мезонлари шакллантирилади. Қуйидаги расмда корхонанинг инновацион фаолиятини баҳолашнинг методик тамойиллари кўрсатиб ўтилган.

Замонавий иқтисодиётда корхонанинг ривожланишининг инновацион компоненти ривожланишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши ва узоқ муддатли истиқболда унинг рақобатбардошлигини сақланиб қолиши кўп жиҳатдан инновацияларга боғлиқдир. Инновацион фаолиятни бошқариш корхонанинг инновацион салоҳиятининг ҳажми ва тузилиши билан боғлиқ бўлиб, инновацион технологияларни қўллашнинг зарурий шартидир. Корхонанинг инновацион салоҳиятини ўрганиш ва уни баҳолаш ундан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун мавжуд ресурсларни аниқлашга ёрдам беради, бу инновацион ривожланиш йўналишини аниқлаш ва корхонанинг инновацион фаолият натижаларининг эҳтимоли ва характерини башорат қилиш имконини беради. Шунинг учун мамлакатимиз ва хорижий инвесторлар инновацион салоҳиятнинг корхона ривожигаги ўрнига кўпроқ эътибор қаратмоқда.

References:

1. Г.А.Краюхин, Л.Ф.Шабайкова. «Закономерности и тенденции инновационными процессами». СПб.: СПбГИЭА, 1995.
2. Управление инновациями в организации : учеб. пособие п о специальности «Менеджмент организации» / А. А. Бовин, Л. Е. Чередникова, В. А. Якимович. 3-е изд., стер. — М.: Издательство «Омега-Л», 2009. 207-бет
3. И. Хотамов, Ш. Мустафакулов, М. Исаков, А. Абдувалиев. Корхона иқтисодиёти ва инновацияларни бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2019 й., 334 б

⁵ Управление инновационным потенциалом промышленного предприятия Н.С. Соменкова, Экономические науки Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2011, № 3 (1), 243–245 б.

4. Vertakova V., Simonenko E. Innovation Management: Theory and Practice. – [M: Ekcmo], 2008. 231-6.

